

ИЛЁС НИЗОМИДДИНОВ

МИРЗО  
АБДУЛҚОДИР  
БЕДИЛ



Илѐс НИЗОМИДДИНОВ

**МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ**

**№ 6**

Тошкент — 1970

## СЎЗ БОШИ

Ўз замондошлари ва сўнгги давр илм ҳамда адабиёт аҳллари томонидан тақдирланиб, «Абдулмаъони» — «Маънилар отахони» лақаби билан шуҳрат қозонган азим Ҳиндистоннинг буюк шоири ва мутафаккири Мирзо Абдулқодир Бедил ўзбек халқига ҳам ватандош сиймодир.

Шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг хизмати борасида жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси В. И. Ленин бундай деган эди:

«Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади».<sup>1</sup>

Ҳиндистонда феодализм тузуми инқирозга юз тутган, реакция, зулм, миллий низо ва халқ исёнлари кучайган, дунёвий илм хор бўлган, илғор фикр эгалари қувғинга учраган, илм аҳли ўртасида мутаассиблик, сўфийлик ривожланган, дарбадарлик авжига минган даврда яшаб ижод этган Бедилнинг буюклиги шунда ифодаланадики, у ана шундай оғир ва машъум даврда ҳам кишиларни руҳий азобни енгишга, моддий қийинчи-

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 2-том, 190-бет

ликлардан қўрқмасликка, ҳаётни севишга чақирди, шу бор ҳаётдан бўлак ҳаёт йўқлигини таъкидлади. Шу билан бирга тарки дунё қилишга, узлатга чекинишга қарши турди, сени халқ яратган экан, шу халқ билан мангу бўл, унинг «яхши» ва «ёмон» кунларида ҳам у билан бирга яша, бирга нафас ол, деди:

Дар халқ беруни халқ будан галат аст,

Суҳбат бо-зиндаги аст, бо мурдан нест.

(Мазмуни: Халқ орасида бўлиб, халқдан ташқарида яшаш мумкин эмас, суҳбат тириклик чоғида бўлгуси, ўлгач мумкин бўлмайди).

Буюк мутафаккир Бедилнинг бу хилдаги илгор фикрлари, унинг башарият учун тинмай хизмат қилишга даъват этиши бизнинг замонамиз руҳига ҳам мос ва ҳамоҳангдир. Шунга кўра, улуғ шоирнинг улкан мероси — самарали ва сермазмун ижоди атрофлича таҳлил этишга, ўрганишга лойиқдир.<sup>1</sup>

### **БУЮК МУТАФАККИР ЯШАГАН ДАВР**

Буюк мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил яшаган давр сиёсий жиҳатдан ниҳоятда мураккаблиги — бу даврда ички ва ташқи зиддиятлар кучайиши билан характерлидир.

Мирзо Абдулқодир вояга етган, ақл-ҳушини таниган вақтда Ҳиндистонда бобирийлар сулоласининг сўнгги буюк намояндаси Аврангзеб акаси

---

<sup>1</sup> Ушбу рисолаи ёзишда академик С. Айнийнинг „Мирзо Абдулқодир Бедил“, (Душанбе, 1964), И. М. Мўминовнинг „Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари“ (Тошкент, 1958) „Мирзо Бедил“ (Тошкент, 1964 й) номли тадқиқотларидан кенг фойдаланилди.

Дорошукуҳ ва укалари Муродбахш ҳамда Шоҳму-  
жолар билан тахт учун олиб борган курашда ғо-  
либ чиқиб, ўзини «Оламгир подшоҳ» деб эълон  
қилган эди (1658 — 1707). Аврангзеб — ўта му-  
таассиб киши эди. У салтанат ишларини ўз қўли-  
га олиши биланоқ ислом динининг ҳукмронлигини  
кучайтиришга киришди, саройдан ва давлат иш-  
ларидан ҳиндиларни ҳайдай бошлади; ҳиндилар-  
дан олинадиган «жузъя» солигини қайтадан тик-  
лади; ҳинд заминдорлари қўлидан ворисий  
ерларни тортиб олиб, мусулмон феодалларига  
жогир (тортиқ) қилиб берди. Натижада миллий  
низо, халқ озодлик ҳаракатлари кучайди, кечаги-  
на бобирийлар империяси ҳимоясида туриб, пос-  
бонлик қилиб турган ҳинд қўшинлари бугунга ке-  
либ шу давлатнинг ашаддий душманига айланиб  
қолади. Натижада марказий давлатнинг ҳарбий  
кучи заифлашади. Буни сезган ва бундан фойда-  
ланмоқчи бўлган жогирдор феодаллар ва шаҳзо-  
далар мустақилликка эришиш учун ички феодал  
курашини қизитиб юборадилар. Аврангзеб 1685  
йилдан то вафотига қадар — йигирма йилдан ор-  
тиқ вақт давомида Декан рожаликларини қайта  
бўйсундириш учун кураш олиб боради ва шу ўл-  
када, Аҳмаднагарда вафот этади. Аврангзеб ва-  
фотидан сўнг тўққиз йил ичида Мирзо Абдулқо-  
дир 10 га яқин подшоҳ ҳукмронлиги даврининг  
шоҳиди бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Аврангзебнинг Ҳин-  
дистон халқлари — мусулмон ва ҳиндилар ҳам-  
жиҳатлигини парчалаб ташлашга қаратилган ич-  
ки реакцион сиёсати империянинг ичдан емири-  
лишига олиб келди ва бу ҳол, ўз навбатида,  
Ҳиндистоннинг инглизлар томонидан босиб оли-  
нишига анча қулайлик туғдирди.

## МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ ҲАЁТИГА ОИД

Мирзо Абдулқодир Ҳиндистоннинг Азимобод (Патна) шаҳрида 1644 йили дунёга келди. Унинг ота-онаси ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Устоз Садриддин Айний, Мирзо Абдулқодирнинг узоқ боболари Мовароуннаҳрлик эканликлари, лекин қайси ўлка ёки шаҳардан бўлганликлари бизга номаълум, деб ёзади.<sup>1</sup>

Бошқа бир совет тадқиқотчилари эса, Бедилнинг ота ва онаси шахрисабзлик бўлиб, Ҳиндистонга кўчиб келганлигини ва шоир шу ерда туғилганлигини айтадилар<sup>2</sup>.

Бедилнинг ота-боболари ўзбек халқининг ўтмиш аймақларидан борлос қабиласига мансуб бўлган. У жуда ёш вақтидаёқ отасидан етим қолган, унинг тарбиясини амакиси Мирзо Қаландар ва тоғаси Мирзо Зарифлар ўз қўлларига олганлар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам илм-фанга, хусусан, тасаввуф фалсафаси билан қизиққан олим-фозиллар билан яқин муносабатда бўлганлар.

Бедилни беш ярим ёшида мактабга берганлар, етти ёшида унинг «Қуръон»ни ўқийдиган даражада саводи чиққан. Сўнгра олимлардан Шайх Камол, Шоҳфозил ва Мирзо Абдулқосимлар қўлида фикҳ (қонуншунослик), адабиёт, шеърият, ҳинд тиллари ва ҳинд фалсафаси бўйича таҳсил олган.

Маълум бўлишича, Бедил ўн ёшлигида синфдоши билан суҳбатлашиб туриб, қуйидаги рубоийни айтиб юборган:

<sup>1</sup> Садриддин Айний, Куллиёт, XI том, II китоб, Душанбе, 1964, 28-бет.

<sup>2</sup> Мирзо Абдулқодир Бедил, Рубоиёт (Мунтахаб), Сталинобод — 1961, 3-бет, Бедил, Комде ва Мудан (Назармат таржимаси) Сўз боши. Ш. Шомухамедовники, Ўзбекистон ССР Давлат Бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1960 й, 3-бет.

Ёрам ҳар гоҳ дар сухан меояд,  
Бӯи ажабеш аз даҳан меояд.  
Ин бӯи қаламфураст ё накҳати гул,  
Ё роиҳаи мушки Хўтан, меояд

Яъни:

Сўз айтмоққа оғзин очса гар ёр,  
Масеҳ нафасида ажойиб бӯй бор.  
Қалампур мупчоқдир ё мушки Хўтан,  
Ё уфурмиш атр райҳону гулзор.

Бедилнинг «Чор унсур»да ёзишига қараганда, у 14 ёшида қариндош-уруғлари билан сайр-томоша қилиш мақсадида биринчи саёҳатга чиқади. Биҳор ва Бангаладаги маҳаллий князлик — рожаликларни бориб кўради; 16 ёшида Патнадан Маҳатсига, ўн етти ёшида Удесса (Орисса)га сафар қилиб, Орисса вилояти пойтахти Каттакда уч йил истиқомат қилиб қолади. У бу ерда қаландар ва тасаввуф олими Шоҳқосим билан яқиндан танишади.

Бедил йигирма бир ёшга кирганда мустақил ҳаёт йўлини танлаб, амакилари ва тоғалари билан хайрлашади-да, Биҳордан Деҳлига келади. Бегона шаҳарда бир қанча вақтгача қаландарона турмуш кечиради; кўп вақт оч ва ярим оч ҳолда кун ўтказади; қаландарлик ва тасаввуф кишилари таъсирига берилган Бедил риёзат чекишга, қийинчиликларга қарши курашмай, уларга бардош беришни ҳақ йўл деб тушунади. У йигирма олти ёшга киргунга қадар шу йўлдан боради. Ниҳоят, ёру дустларининг насиҳатлари ва мажбур қилишлари натижасида йигирма олти ёшида уйланиб, шундан сўнг орадан кўп ўтмай, Аврангзебнинг катта ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ хизматига кириб навкарлик қилади. Гарчи Бедил қаландарона ҳаётдан қайтган бўлса-да, у ўттизларга кирганга қадар тасаввуф оқимидаги кишилар билан алоқасини узмайди. У навкарлик

хизмати билан Лаҳор, Акбарпурга борганида ҳам ўзини фақирона тутиб, у ердаги тасаввуф олимлари билан яқиндан муносабатда бўлади.

Бедилнинг яхшигина шоир эканини эшитган Аъзамшоҳ кунлардан бирида унинг ҳузурига киши юбориб, шоирга ўз номига бағишлаб қасида ёзишни буюради. Бедил бу таклифни бажаришдан бўйин товлайди ва навкарлик хизматидан воз кечади.

Бедилнинг қаландарлик ва тасаввуф йўлидан четлашишида, асосан турли шаҳар ва ўлкаларга сафар қилиши ҳамда шу сафарлар вақтида халқ ҳаёти билан яқиндан танишиши, шу билан бирга ҳинд файласуфлари — браҳманлар билан қилган суҳбатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бедил («Чор унсур» асарида) Ҳасан Абдал вилоятида бир браҳман билан суҳбатда бўлганини, дунё қарашлари бир хил эканини ва ўрталарида «муҳаббат тухуми сочилганлигини» баён қилади.

Бедил қирқдан ошганга қадар бир жойда муқим турмайди, тирикчиликнинг машаққатидан маҳаллама-маҳалла, шаҳарма-шаҳар кўчиб юради. Унинг йилдан-йилга улуғ шоир ва забардаст олим — философ сифатида танила бориши мухлислари ва шогирдлари сонини ортдиради. Шогирдларининг баъзилари давлат арбоблари, саркарда ва давлатманд кишилар бўлиб, улар ўз ёзган ашъорларидан шоирга намуналар юбориб турадилар, ундан таҳрир этишни, сўнгра нусхаларга кўчириб беришни илтимос қиладилар ва хизмати учун шоирга доимо муносиб ҳақ тўлайдилар.

Бедилнинг шогирдлари фақат мусулмонлардан иборат бўлмай, улар орасида ҳиндлар ҳам бўлган. «Мажма ун-нафоис» муаллифи Сирожиддин Алихон Орзу ҳинд шоирларидан Анин-



диром ўз шеърларини ҳамма вақт Бедил таҳриридан ўтказганини қайд қилади.

Бедил Деҳлида ўттиз йил яшайди, шу давр мобайнида сермаҳсул ва сермазмун ижод этади, адабий ва фалсафий асарлар яратади, ўз асарларини ўзи «Куллиёт» га тўплаб, ўзи кўчиради ҳамда ўткир зеҳн ва идрокининг ажойиб маҳсулотини халққа муносиб тортиқ қилади.

Мирзо Абдулқодир Бедил 1721 йил 3 декабрда дунёдан кўз юмади ва Ҳиндистон халқларининг одатига кўра, буюк сиймо сифатида танилгани туфайли ўз уйига дафн этилади.

### МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ АСАРЛАРИ

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг 130 минг мисра шеърий ва қарийб 50 босма қоғоз насрий илҳом чашмасидан иборат «Куллиёти» («Тўплами») га унинг «Ирфон», «Тури маърифат», «Нукот», «Ишорот ва ҳикоёт», «Руқаъот», «Чор унсур», «Муҳити аъзам», «Тилисми ҳайрат», «Ғазалиёт», «Рубоиёт», «Қасоид», «Қитъаот ва қитъаоҳои тарихи», «Таркибот ва таржеъот» (яъни «таркиббанд ва таржеъбандлар») номли асарлари кирган. Бу асарларнинг ҳар бири турли даврларда алоҳида-алоҳида қўлёзма шаклида ҳам, чоп этилиб ҳам тарқалган.

Биз бу ўринда Бедил асарларини уларнинг тасниф этилган вақтини назарда тутган ҳолда қисқача тавсифлаб ўтамиз.

«Тилисми ҳайрат»— бу, асосан инсоннинг жисмоний вужуди ва руҳиятига бағишланган асар бўлиб, маснавий тарзда 1669 йили, яъни муаллифнинг 25 ёшларида ёзилган, 7500 мисрадан иборат. Бедил инсон руҳини муқаддас яъни илоҳий оламдан келган подшоҳга ўхшатиб,

унинг жисмоний вужудини тупроқ, шамол, олов ва сувдан таркиб топган обод мамлакат қиёфасида тасвирлайди. Демак, «Тилисми ҳайрат» тасаввуф ақидасига монанд фалсафий асардир.

Бу асардаги шеърий назмлар юксак даражада санъаткорона терилган бўлиб, содда ва ровон тилда битилган.

«Таркибот ва таржеъот» — бу турли даврларда битилган, дин ва диндорлик ҳамда тасаввуф тўғрисида баҳс этувчи шеърий асардир.

«Муҳити аъзам» — бу 1681 йили, шоирнинг 37 ёшида тасниф этилган, 9 минг мисрадан иборат асар бўлиб, у соқийнома услубида маснавий шаклида ёзилган. Унда тасаввуф аҳли ҳаётига оид ҳикояларни, шунингдек май, жом, най, танбур ва бошқа мусиқа асбобларининг таъриф тавсифига оид фикр-мулоҳазалар, истиора ва ташбеҳ (ўхшатиш) ларни ўқиш мумкин. Бедил бу даврда ҳам ҳали ўз ҳаёти ва ижодида тасаввуф (сўфизм) ни тарк этмаган эди.

«Тури маърифат» — бу асар 3 минг мисралик маснавий асар бўлиб, Байрот тоғлиғини тасвирлашга бағишланган. Муаллиф ўзининг мазкур китобини 1687 йили, яъни 43 ёшида Байрот тоғи атрофидаги вилоят ҳокими Шукруллохон исмли дўстига атаб ёзган.

Асарда Байрот тоғи Тури Мусо (Мусо тоғи) га қарама-қарши қўйилади. Тури Мусо илоҳий нурларнинг тажаллий этган ери бўлса, Байрот тоғи — тури маърифат, маърифат нури тажаллий этган ер деб таърифланади, муаллиф ўқувчини дунёни кўришга, табиатни билиш ва ўрганишга даъват этади. Бедил бу ерда табиатни илоҳият даражасига кўтаради, яъни илоҳиятни табиатнинг ўзидан ахтаради.

«Ишорот ва ҳикоёт»нинг мавзуи турлича



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/3756> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3756> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/3756>